



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 15 февраль, № 33 (4186)

Пайшанба

Бугунги кун талаби



МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

— бу рақобатбардош махсулот ишлаб чиқариш кафолати

«Бир ҳақиқатни барчамиз яна ва яна бир бор чуқур англаб олишимиз шарт. Тобора кучайиб бораётган рақобат муҳити ҳамда мунтазам ўзгариб турадиган бозор талаблари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ масалаларга нисбатан бизнинг ёндашувларимизни мутлақо бошқатдан қўриб чиқишимизни талаб қилмоқда», — деб таъкидлади Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида.

Бу бежиз эмас. Негаки, мамлакатимизда эскирган технологиялар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган асбоб-ускуна ва дастоҳлар асосида ишлаётган ўнлаб ва юзлаб корхоналар сақланиб қолаётгани, ўз навбатида, ишлаб чиқариш тўрқисига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ваҳоланки, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам равишда модернизация қилиб бораётган корхоналарда меҳнат унумдорлиги ва махсулот миқдори ошиб, сифати ҳам тобора яхшиланаётганига гувоҳ

бўлиб турибмиз. Самарқанд шаҳридаги «Нафис» акциядорлик жамияти фаолиятидан қиёс: бу ерда таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш натижасида кейинги йилларда 26 турда янги буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ранг-баранг кўзалар, гулдонлар, ликочча ва ошхона идиш-товуқлари, шарқона чинни тўпلامлари шулар сирасига киради. Айниқса, улуг аждодларимиз Амир Темур, Алишер Навоий ва Мирзо Улугбек сиймолари акс эттирилган чинни буюмлари нафақат ватан-



дошларимизга, балки хорижий меҳмонларга ҳам манзур бўлмоқда.

— Бу йил кўхна ва навқирон шахримизнинг 2750 йиллик тўйи нишонланади. Шу муносабат билан ишлаб чиқараётган махсулотларимиз бир-биридан чиройли, яъни харидоригар бўлиши учун биз бутун салоҳиятимиз, билим ва маҳоратимиз,

куч-ғайратимизни аямаемиз, — дейишмоқда меҳнат аҳли.

СУРАТЛАРДА: РАССОМ МАЙЯ КИМ ВА БОШ РАССОМ МОХТОБ ТУРДИЕВА МАХСУЛОТ СИФАТИНИ КЎЗДАН КЕЧИРМОҚДАЛАР; РАССОМ АКМАЛ УСОМОНОВ ИШ ПАЙТИДА.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ў.А.) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида белгиланганидек, «Хар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда қўриб чиқиши шарт».

Ана шу норма асосида қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимиз фуқароларининг мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатлари ҳамда механизмини мустаҳкамлаб берди.

«Фуқароларнинг мурожаатлариغا доир ишларни тақомиллаштириш масалалари» мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатига муҳофаза предмети бўлди.

Давра суҳбати иштирокчилари шуни таъкидладиларки, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг нормалари талабларига мувофиқ фуқароларнинг мурожаатларини вақтида қўриб чиқиш юзасидан анчагина иш олиб бормоқдалар. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари баъзан бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитлар аниқлашмоқда ҳамда уларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Ариза-мурожаатларни қўриб чиқиш натижалари ҳақида ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида муаллифларга ёзма равишда хабар қилинмоқда, иш юритиш тегишли тартибда олиб боришмоқда.

Тадбирда фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб борилаётган ишлардаги мавжуд камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Чунинчи, Тошкент шаҳри, Сур-

хондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларида мазкур масала 2006 йилнинг декабрида ўрганилганда Қонунчилик фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш ҳамда мурожаат этганларга ёзма равишда жавоб юбориш мuddатларига, тааллуқлилик қондаларига доир талабларини бузиш ҳоллари, шунингдек, мурожаатларни қўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан лозим даражадаги назорат йўлиги аниқланди. Юқорида айтилган минтақаларда мазкур Қонун нормалари бузилганлигига оид айрим фактлар бўйича прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий таъсир чоралари қўрилди.

Анжуман иштирокчилари фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган ишларни тақомиллаштириш, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг ижро этилишига доир чораларни кўчатириш, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг, мансабдор шахсларнинг бу борадаги маъсулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларни атрофли ва муфассал тарзда муҳокама этидилар. Ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органларининг, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг, жамоат

бирлашмаларнинг фуқаролар мурожаатларини қўриб чиқиш жараёнини яхшилашга, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши олдини олишга, ана шу масалаларда мазкур Қонун нормаларининг талабларига оғишмай бажарилишини таъминлашга қаратилган биргаликдаги фаолиятини янада кўчатириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Баҳо-мунозаралар мобайнида давра суҳбати иштирокчилари «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш механизмининг янада тақомиллаштиришга, вазирлик ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган ишлари шакл ва усуллари сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган тақлифлар билдирдилар ҳамда тавсиялар қабул қилдилар.

Йиғилишда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирликлари, халқ депутатлари Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақавий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат юридик институти, ИИВ Академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, «Иқтисодий фикр» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ТУРКМАНИСТОННИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ ИНАУГУРАЦИЯСИ

Кеча Ашхободадаги «Рухият» саройида Халқ Маслаҳати XIX мажлисида Туркменистоннинг янги президенти Гурбангули Берdimухаммедовнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. У яқин-

да давлат раҳбари лавозими учун бўлган сайловда сайловчиларнинг 89,23 фоиз овозини олишга муваффақ бўлган эди. Г.Бердимухаммедов ўзининг давлат раҳбари сифа-

тидаги биринчи нутқида Туркменистон ўз зиммасига олган барча халқаро мажбуриятларни бажаришини таъкидлади. Инаугурация маросимида хорижий давлатлардан де-

легациялар иштирок этиди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қ А Р О Р И

2007 йил 12 февраль

2006 йилда республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2006 йилда:

— иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди — янги ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 10,8 фоизга, истеъмол товарлари — 20,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш — 6,2 фоизга, пулли хизматлар — 19,3 фоизга, пудрат қурилиш ишлари — 12,8 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захиралари 1,6 баравардан зиёд ўсди. Давлат бюджети янги ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз миқдордаги профит билан ижро этилди. Инфляция даражаси 6,8 фоизга пасайди;

— инвестиция муҳити яхшиланди, хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўламлиги ўсиб, ҳажми 25,4 фоизга кўпайди. Инвестициялар умумий ҳажмининг 68,3 фоизи ишлаб чиқариш секторига жалб этилди, технология паркинни янгилашга ва янги асбоб-ускуналар сотиб олишга жами инвестицияларнинг қарийб 50 фоизи йўналтирилди;

— қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. 2006 йилда 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобига 74 миңдан орტიқ фермер хўжаликлари ташкил этилди, уларнинг ярмидан кўпроги мева-сабзавотчилик йўналишидадир. Қишлоқда меҳнат кооперациясининг янги шакллари жорий этилди, мева-сабзавот махсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни чуқур қайта ишлашга иштирослаштирилган қарийб 200 та агрофирма ташкил қилинди;

— ташқи иқтисодий фаолият кўламлиги ўсди, товар махсулотлар экспорти ҳажми 31,5 фоизга кўпайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоуси қарийб 2 млрд. АҚШ доллари ташкил қилди;

— аҳоли турмуш даражасининг ва иш билан банд этилишининг изчил ўсиши таъминланди. Ишлаётганларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса ўртача 22 фоизга кўпайди. 2006 йилда 570 миңдан орტიқ иш ўринлари, шу жумладан қасаначиликни йирик саноат корхоналари билан кооперациялаш ҳисобига 60 миңдан орტიқ иш ўринлари ташкил этилди;

— таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини иқтисодий ғўйма қилиш соҳасидаги мақсадли умумийлик дастурларини амалга оширишга қатнаштирилган қарийб 2006 йилда 8 миң ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 7 миң ўқувчи 124 та касб-ҳўнар коллежи фойдаланишга топширилди, 61 та янги мактаб қурилди, 385 та мактаб мукамал реконструкция қилинди ва 530 та мактаб таъмирланди.

Шу билан бирга, аҳолини иш билан банд этиш муаммоси кескинлигича қолмоқда, корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёни етарли суръатларда бормаяпти, асбоб-ускуналарнинг эскириш ҳолида комплекс чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсинлар, шунингдек уларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилсинлар.

Белгиланган устувор йўналишларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қарор қабул қилинди:

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун мuddатда кенгайтирилган мажлисларда 2006 йилда иқтисодийнинг тегишли тармоқларида ва соҳаларида, ҳудудларда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳамда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини тақдирли таҳлил қилсинлар, белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб 2007 йилда уларни бажарилишини аниқ мuddатларини ва масул бажарувчиларини белгиланган ҳолда комплекс чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсинлар, шунингдек уларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилсинлар.

4. Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гўськова), Марказий банк

(Муллажонов) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2007 йилда иқтисодий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий параметрларига, тасдиқланган моддий ва қиймат баланслари кўрсаткичларига, иқтисодийнинг мўлжалланган таркибий ўзгаришига сўзсиз эришиш бўйича тизимли мониторинг олиб боришлар ва ишларнинг самарали мувофиқлаштириб борилишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил иқтисодий дастурининг амалга оширилиши бўйича ишлар аҳолини, биринчи навбатда, белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларга, молия-пул параметрларига ва инфляция даражасига эришилишини, дебиторлик-кредиторлик қарзлар билан боғлиқ ҳолатни ҳар ойда қўриб чиқсин.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июндаги ПК-375-сон қарорига белгиланган мақсадли комплекс дастурларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини ҳар чоракда эшитиб бориш мажбурий ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гўськова), Давлат статистика қўмитаси (Қудратов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2007 йилда умуман республика бўйича белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлайдиган ўсиш омиллари ва резервларини ҳисобга олган ҳолда, 2007 йил учун республика ҳудудлари бўйича янги худудий махсулот ва бошқа асосий кўрсаткичларни ўн кун мuddатда чуқур таҳлил қилсинлар ва уларнинг ҳисоб-китобларини тайёрласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев), Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Фан илми ва таълим вазирлиги (Ғаниев), Марказий банк (Муллажонов) тегишли уюшмалар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари билан биргаликда 2007-2011 йиллар даврида иқтисодийнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини 2007 йил 1 майгача бўлган мuddатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун қиритсинлар.

7. Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев) ўз ишлаб чиқариш базасини домий модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошираётган корхоналар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг самарали тизимини яратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси (Мирзиёев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмомов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Фермер хўжаликлари уюшмаси (Қўбиллов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2007-2011 йилларда қишлоқ хўжалиги-

да таркибий қайта ўзгариштирилган ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг мамлакатдаги барча минтақаларни қамраб оладиган ҳамда қишлоқни юксалтириш комплекс чора-тадбирларини, шу жумладан қишлоқни ривожлантиришнинг таркибий ўзгаришларини амалга ошириш учун зарур молия, солиқ имтиёзлари ва преференцияларини назарда тутувчи комплекс дастурини икки ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Дастурда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бозор механизмлари ва иқтисодий методларини кенг жорий этиш, чорвачиликни ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини, зооветеринария хизматлари кўрсатишни, чорва озуқалари билан таъминлашни тўдан яхшилаш, пировард натижада қишлоқ аҳолини даромадларини ва турмуш сифатини оширишга йўналтирилган кичик бизнесни, тадбиркорликни, қасаначиликни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш ҳамда замонавий техника билан жиҳозланган, хом ашёни, айнақча чорвачилик ва мева-сабзавот махсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича кичик хўжалик корхоналарини турмуш масалаларига алоҳида эътибор қаратилинсин.

9. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гўськова), Алоқа ва ахборот махсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича кичик хўжалик корхоналарини турмуш масалаларига алоҳида эътибор қаратилинсин.

10. Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Республика йўл жамғармаси (Жўлибеков), «Узавтоюл» давлат-акциядорлик компанияси (Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2010 йилгача бўлган даврда автомобиль йўлларини ривожлантириш концепциясида 2007 йил учун назарда тутилган халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, замонавий логистика марказларини шакллантириш бўйича топширқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2007 йилнинг 1 ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қ А Р О Р И

2007 йил 12 февраль

2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

11. Республика тендер комиссияси (Азимов), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига:

Илриқ, стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг давлат активлари ва акциялари пакетларини, шу жумладан давлат акцияларининг назорат пакетларини, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида ушбу корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришга замонавий менежментни жорий этишни назарда тутиб аниқ инвестиция мажбуриятлари остида асосан хорижий инвесторларга хусусий мулк қилиб сотиш рўйхатини тўдан кенгайтирган ҳолда амалдаги 2006-2008 йилларда Хусусийлаштириш дастурини қайта кўриб чиқиш;

диқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар; углеводород хом ашё захиралари уни қазиб олиш даражасини нисбатан жадал ўсишини таъминлайдиган геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар. Хорижий инвесторлар томонидан олинган мажбуриятлар бузилган тақдирда маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги шартномаларни бекор қилиш ҳақида тақлифлар киритилсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин. 14. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев Адлия вазирлиги (Отахонов), Олий ҳўжалик суди (Ишметов)ни жалб этган ҳолда хусусий мулк ва хусусий тadbиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, бизнеснинг иктирий ёпилиши ва тугатилиши тартиб-қоидасини тартибга солишни, фаолиятнинг айрим турлари билан шугулланиш ҳуқуқига турли руҳсатномалар ва лицензиялар бериш амалиётини кескин қисқартиришни, шунингдек Суд қарорлари ижроси департаменти фаолияти самарадорлигини оширишни икки ой мuddатда танқидий ўрганиб чиқсин ва улар бўйича қонунчиликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган янги қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш ва қонунчилик ҳиссадорлиги қабул қилиш юзасидан аниқ тақлифлар киритсин. 15. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев, Гадов), Давлат божхона қўмитаси (Носиров): Солиқ академияси ва Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини ташкил этишни яхшилаш, ўқитиш ва тарбиявий ишлар даражаси ва сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш, педагоглар таркиби-

ни солиқ ва божхона органларида иш тахрибасига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тadbирлар комплексини бир ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2007 йил 1 майгача бўлган мuddатда ахборот берилсин; шахсий таркибга нисбатан талабчанликни оширсинлар ва улар ўртасида олиб борилаётган ишларни қўчайтирсинлар, солиқ ва божхона органларини иқтисодлаштирилган ўқув юрталарида ўқитган, юқори малакали, профессионал жиҳатдан тайёр, ҳалоп, ўз ишига содиқ ва масъулиятли ходимлар билан тўдирсинлар таъминласинлар.

16. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги (Отахонов), Бош прокуратура (Қодиров), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат божхона қўмитаси (Носиров) сифатсиз спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги ёхуд улар республикага олиб килирилганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни қўчайтириш юзасидан бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар. 17. Молия вазирлиги (Азимов) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) ва Марказий банк (Муллахонов) билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига бошқа тўловларни тегишли равишда қўлайларин ҳолда 2010 йилга бориб ўртача иш ҳақи 2,5 баравар барқарор ошишини таъминлайдиган аниқ чора-тadbирлар бўйича асосли тақлифларни бир ой мuddатда тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 18. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги (Хайитов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат статистика қўмитаси (Қудратов), Адлия вазирлиги (Отахонов) амалдаги қонун ҳужжатлари ҳақуудлар бўйича меҳнат билан

банд бўлмаган ва ишга жойлаштиришга мўтож аҳоли тоифаларини аниқ белгилайдиган ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиш методикаси бўйича бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар.

19. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов) Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик тузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштиришни янада рағбатлантириш бўйича Ҳўкумат қарори лойиҳасини бир ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Ҳўкумат қарори лойиҳасида қўйилган назарда тутилсин:

кичик бизнес ва тadbиркорликнинг ўрни ва ролини қатъий ва изчил ошириш, 2010 йилга бориб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 50-52 фоизга етказиш, экспорт ҳажмини қўлайтириш; кичик бизнеснинг техник ва технология тузилмасини яхшилаш, юқори технологияли ишлаб чиқаришларга жадал ўтиш, бозор талаби ўзгарishi ҳисобга олинган ҳолда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар, ичмам ва мослашувчан технологиялар билан жиҳозлаш; машинасозлик ва металлга ишлов беришда, енгил санаятда, айнакча трикотаж, тикув ва поябзал санаятда, шунингдек қурилиш материаллари санаятда кичик корхоналар ташкил этиш қўламлигини кенгайтириш;

кичик бизнесда юқори профессионал интеллектуал меҳнатдан кенг фойдаланиш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини жорий этиш. 20. Адлия вазирлиги (Отахонов), Молия вазирлиги (Азимов), Фермер ҳўжаликлари уюшмаси (Қобилов), Савдо-саноат палатаси (Шайхон) Бош прокуратура (Қодиров) билан биргаликда бир ой мuddатда давлат назорат органларининг корхоналар ҳўжалик фаолиятига ноқонуний араштиришга уринишларини маъмурий ва суд тартибда жазолашни қатъийлаштириш юзасидан қўшимча чора-тadbирлар қилиш бўйича, уларни кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қўриб чиқиш учун тақлифлар киритсинлар.

21. Молия вазирлиги (Азимов) аудиторлик фаолияти ва сўғурта соҳасидаги ишларнинг аҳолини, шунингдек умуман молиявий инфратузилмани ривожлантириш самарадорлигини танқидий баҳолаш ва бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига фаолиятнинг ушбу турларини янада такомиллаштириш ва тadbиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан аниқ тақлифлар киритсин.

22. Марказий банк (Муллахонов), Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Алёсқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Арипов), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев) тижорат банкларини ва лизинг компанияларини билан биргаликда бир ой мuddатда банкларга бўлган ишончини ошириш, банк-молия тизимини ислохотлар қўлайлаштириш бўйича комплекс тadbирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Комплекс тadbирлар қўйилдиғиларга йўналтирилсин: устав сармояларини қўлайтириш ҳисобига банкларнинг қалипталашуви даражасини ошириш, аҳоли, тadbиркорлик субъектла-

ри ва потенциал инвесторларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд зорларда фаол жойлаштириш; инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашда банкларнинг ўз сармояси билан кенг иштирок этишини таъминлаш;

нақд пуlining банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, микозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан улуқсиз ва сўзсиз таъминлаш; мини-банклар тармоғини ва банклар томонидан қўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш, микозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

23. Марказий банк (Муллахонов) Адлия вазирлиги (Отахонов), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), бошқа манфаатдор идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда бир ой мuddатда амалдаги қонунчиликни танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятида тижорат банкларининг кенг ва фаол иштирок этиши учун ҳўқуқий шарт-шароитларни шакллантиришга доир аниқ тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосари (Хайитов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Ашрафзонов), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмухамедов) «Саноаткортехназорат» давлат инспекцияси (Холматов), «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Тешабоев), «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Вагапов), Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Коммунал соҳани янада ислох қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва энергияни тежайдиган техно-

логияларни жорий этиш, буқсонларни ва иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш дастурини бир ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Дастурда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини янада ичмамлаштиришга; ширкатлар билан коммунал ва таъмирлаш-қурилиш хизматлари кўрсатаётган корхоналар ўртасидаги шартномавий-ҳўқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга; истеъмолчиларни иссиқлик ва сув билан улуқсиз ва сифатли таъминлаш учун иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг масъулиятини ошириш ва уларни рағбатлантиришнинг аниқ механизмини жорий этишга; ёқилғининг муқобил турларини қўллаган ҳамда маънавий эскирган тежамсиз буқсонларни алмаштирган ҳолда иссиқлик ва иссиқ сув таъминотининг маҳаллий тизимларига босқичбаросқич ўтишга алоҳида эътибор берилсин.

Мазкур топшириқнинг бажарилиши 2007 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида танқидий муҳокама қилинсин.

25. Вазирлар Маҳкамаси комиссияси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлари, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, ноҳуқумат жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бўлими билан бандлари белгиланган мuddатларда тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чора-тadbирлар қўрсинлар. Бунда янги қонун ҳўжатларини ишлаб чиқариш ҳамда амалдаги қонун ҳўжатлари ва норматив-ҳўқуқий ҳўжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тadbирларининг аниқлигини, табақалаштирилишини ва самарадорлигини оширишга, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини органлари фаолиятини тўдан яхшилашга алоҳида эътибор берилсин. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) Дастурга киритилган чора-тadbирлар амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсин ва унинг натижаларини Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида ҳар чоракда кўриб чиқсин. 26. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Йил якуни:

ТАҲЛИЛ, ХУЛОСА, ЕЧИМЛАР

Президентимиз таъкидлаганидек, 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашган негизда касаначилик фаол ривожланиб, бунинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Бу — 60 минг одам, шунча оила қўшимча даромадга эга бўлди, дегани.

КОРХОНАГА — МАҲСУЛОТ, РЎЗБОРГА — БАРАКА

Кизирик туманидаги «Янги йўл» маҳалласининг фуқароси Гулжаҳон Маматқўлова Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармони мисли кўрилмаган натижалар бераётганлигини завқ билан айтиб берди.

Фаолларига олиб бориб қўрсатди. Маҳалла оқсоқоли туманининг меҳнат бўлими билан боғланди. Меҳнат бўлими мутасаддилари эса «Кизирикпахта» очик турдаги хиссадорлик жамияти билан Маматқўлова ўртасида касаначилик асосида меҳнат шартномасини тузишга бош-қош бўлди.

Этиборлиси, бугунги кунда «Кизирикпахта» раҳбарияти ишни замон талабига мослаб ташкил қилиб, Маматқўлова ўшаган 26 кишини касаначиликка жалб этган. Натияжада жамиятда ҳаракатлар сезиларли даражада қисқарди. Маҳсулотлар сифати эса яхшиланди, таннархи 20-25 фоиз арзонлашди.

ҳисобга олиб, «Кизирикпахта» орқали буюмларнинг ҳам касаначилик асосида адо этиш тadbирларини кўраямиз. Бошқача айтганда, шу йилнинг ўзида яна 50 нафар кишини касаначиликка жалб этмокчимиз.

Бундан ташқари, Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тadbирлари тўғрисида» қарори мувофиқ, вилоят бўйича кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 2070 бош сигир бепул берилди. Кўрасида мол боқаётган 32823 нафар фуқаронинг меҳнат дафтарчаларига иш фаолиятини давом эттираётгани тўғрисида қайدلار киритилиб, 39909 фуқарога эса янги меҳнат дафтарчаси очилди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон-Германия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, компания ва корхоналари раҳбарлари ҳамда ГФР Иқтисодиёт ва технологиялар вазирлигининг МДХ мамлакатлари билан таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН-GERMANY БИЗНЕС ФОРУМИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхон бошқарган форумда Ўзбекистон билан Германия ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. ГФР Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп сармоя киритган мамлакатлардан биридир. Шу кунгача Германия сармоядорлари иштирокида юртимизда умумий қиймати бир миллиард еврога тенг юзга яқин сармоявий лойиҳа амалга оширилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Утган йили бу борадаги кўрсаткич 324 миллион АКШ долларини ташкил этди. Юртимизда германиялик шериклар билан ҳамкорлик-

Сўраган эдингиз

Президентимизнинг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарорига аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эhtiёжларини қондириш учун узак мuddатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш вазифалари белгилаб берилган эди.

ИПОТЕКА КРЕДИТИ ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ана шу қарор талаблари асосида эса 2006 йил 5 октябрдан «Ипотека тўғрисида»ги Қонун куч кирди. Бу борада аҳоли эhtiёжини ҳисобга олиб республика Марказий банкнинг Банк тизимда методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори Хайдар НУРМУРОТОВдан газетхонларимиз саволларига жавоб беришни илтимос қилдик. **Гулбаҳор ҚОДИРОВА (Яккабоғ тумани):** — Ипотека кредити тижорат банклари томонидан қандай мақсадлар учун берилди? **Жавоб:** — Низомида тижорат банклари томонидан аҳолига ипотека кредитлари қўйидаги мақсадларга берилиши мумкинлиги белгиланган: — якка тартибда уй-жой қуриш; — якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш; — якка тартибдаги уй-жойни сотиб олиш; — кўп квартиралы уйдаги квартирани харид қилиш учун. Бунда қўйидаги ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Яъни ипотека кредити ҳисобига қуриладиган ва реконструкция қилинадиган якка тартибдаги уй-жой белгиланган қонун ҳўжатлари, намунавий лойиҳа ҳамда қурилишнинг тегишли нормалари ва қондаларига жавоб бериши лозим. **Ахатхон САМАТОВ (Марғилон шаҳри):** — Ипотека кредитини қайтарилганда нималар ҳисобга олинади? **Жавоб:** — «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва тегишли Низомида ипотека кредитининг қайтарилishi таъминоти қўйидаги қонуннинг гаровга олинishi, яъни ипотекаси асосида таъминланиши кўзда тутилди: — ипотека кредити ҳисобига қуриладиган уй-жойни у жойлашган ер участкаси билан бирга; — ипотека кредити ҳисобига реконструкция қилинаётган қарз олувчининг мулки бўлган якка тартибдаги уй-жой билан бирга; — ипотека кредити ҳисобига сотиб олинмаган ва белгиланган тартибда қарз олувчи мулкига ўтадиган якка тартибдаги уй-жой ёки кўп квартиралы уйдаги квартира орқали.

Ижтимоий ҳимоя ва мамбуом

Қарши шаҳридаги Журналистлар уйида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти мавзусида семинар бўлди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали томонидан ташкил этилган бу тadbирда вилоят, шаҳар ва туман газеталарининг бош муҳаррирлари, республика оммавий ахборот воситаларининг вилоятдаги муҳбирлари, маҳаллий радио ва телевидение раҳбарлари иштирок этдилар. Семинарда бугунги матбуот нашрларининг сифати, савияси ва истиқболи, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларнинг ижроси, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастуринда белгиланган масалалар юзасидан атрафчилик фикр алмашилди. Мулоқот қатнашчилари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни мунтазам ёритиш бугунги кунда матбуотнинг муҳим вазифаси эканигини алоҳида таъкидладилар.

Ёзёвон туманида касаначиликка катта эътибор берилмаптир. Яқинда қатортоқлик Гулбаҳор Тошпулатова Оқунбобоев туманида яшовчи хўнарамандлардан атлас тўқини сирларини ўрганиб, тумандаги «Адрас» фабрикаси билан шартнома тузди. Сўнгга унинг атлас тўқини дастохларини ўрнатди. — Мамлакатимизда касаначиликка катта эътибор берилмаётгани хўнарамандлар мушкулсини осон қилди, — дейди Гулбаҳор. — Ҳозирда кишлоқнинг ўнлаб аёллари турли корхоналар билан шартнома асосида иш олиб бормоқда. Мен ҳам ҳамқишлоқларимни қабатимга олиб атлас ва адрас тўқини сирларини ўргатишман. Ана шу хўнараманд кетидан рўзгоримизга барака кирди. Ёзёвонлик касаначилар меҳнатидан ўзлари ҳам, корхоналар ҳам манфаатдор. **Бахтиёр ЖОЛЧУЕВ.** **СУРАТДА:** касаначи Г. Тошпулатова шоғирдлари Д. Холматов ва Д. Алимерова билан.




Улуғбек УМАРОВ олган сурат.

Б.НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Халқ сўзи» муҳбири Саодолми ХАЙДАРОВ тайёрлади.

ЖАҲОН

24 соат ичида



АҚШ Президентлиги курсиси учун Республикачилардан курашувчи номзод номи маълум бўлди. Массачусетс собиқ губернатори Митт Ромни 2008 йилда мамлакат президентлигига бўладиган сайловда ўз номзодини илгари суришини расман эълон қилди. 59 ёшли Миттни мамлакатда сиёсатчи ва омадли тadbиркор сифатида яхши танишади.



Жазoirнинг шимоли-шарқидаги полиция участкалари олдида бомбалар портлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, 6 киши қурбон бўлди, 13 киши жароҳатланди. Мазкур хунрезликни «Ал-Қоида» ташкилоти ўз зиммасига олди. Гувоҳларнинг билдиришича, тўртта полиция идораси ёнидаги машина тўхташ жойида автомобиллар портлаган.



Қозoғистон маданият ва ахборот вазири Ермухамет Ертисбоев 2007 йилни қозoқ тили йили, дея эълон қилди. Мамлакат президенти Нурсултон Назарбоевнинг кирилдан лотин алифбосига ўтиш таклифи айни пайтда жиддий муҳокама қилинмоқда. Ҳозирда Қозoғистон аҳолисининг учдан бир қисмини руслар ташкил этади. Бундан ташқари, аҳолининг тенг ярми кундалик ҳаётда, асосан, рус тилида сўзлашишни афзал билишади.




Ироқ ҳукумати уч кунга мамлакатнинг Эрон ва Сурия ҳудуди билан чегарадош ҳудудларидаги йўллари ёпди. Мамлакат бош вазири Нури ал-Маликий хавфсизлик чораларини кучайтириш йўлида чегараларни ёпиш ҳақида буйруқ берди. Ироқ армияси генерали Абуд Гамбар телевидение орқали чиқишида Бағдодда кечаси комендантлик соати эълон қилинганини баён этди. Мамлакатда зўравонликлар кун сайин кучайиб бормоқда. Биргина душанба кун амалга оширилган хунрезликлар оқибатида 80 киши ҳалок бўлди.



БМТ Бош қотибияти махсус вакили Мартти Ахтисаари томонидан Косовонинг мақоми қандай бўлиши ҳақида тақдим этилган режани Сербия ҳукумати рад этди. Мамлакат вазирлар маҳкамаси вакилининг сўзларига қўра, Ахтисаарининг режаси халқаро ҳужжатлар тамойилига зиддир ва унда Сербиянинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда суверенитетига нисбатан ҳурматсизлик қилинган.

2006 йилда Хитойда пора билан қўлга тушган мансабдорларнинг сони 100 минг нафарга етди. Шундай бир шароитда ҳукумат қисқа муддатда коррупцияни батамом йўқ қилиб бўлмаслигини тан олмоқда. 2005 йилда ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилган 115 минг хитойлик жазоланганди. Хитойда пора билан қўлга тушганлар рўйхатида юқори мартабали мансабдорлар, хусусан, етти нафар вазир ва музофот губернатори ҳам бор.



Кипр келгуси йил 1 январдан евро ҳудудига кириши мумкин. Бу ҳақда мамлакат ҳукумати Еврокомиссия ва Европа Марказий банкига мурожаат қилди. Еврокомиссия вакиллари Кипр ҳукумати сўровини ўрганиб чиқади ва жорий йил май ойларида бир қарорга келиши кутилапти. Агар қарор ижобий бўлса, Кипр ЕИ Вазирлар кенгашига мурожаат қилади. Бундан кейин эса Кенгашга зарур ҳужжатлар тақдим этилади. Айни пайтда евроҳудудга иттифоқнинг 27 аъзосидан 13 таси кирган, холос.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришганлигини маълум қилади. Институт бакалавр ва магистрлари бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш бўлиб, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассислардир. Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан **2007 йил 1 март** кунига қадар институт ректоратига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилса мақсадга мувофиқ. Талабнома билан мурожаат этган корхона ва ташкилотлар таклифнома асосида «Битирувчи — 2007» тақсимотида таклиф этилади.

Сизнинг эътиборингизга йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

Маълумотлар учун телефон: 134-41-39, факс: 134-67-71.

Тошкент молия институтининг маркетинг хизмати бўлими.

Манзилмиз: 700084, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли, 7-уй.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИ 2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Бакалавр йўналишларининг номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот													
			Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент шаҳри
1.	Банк иши	246	4	6	35	14	12	3	19	3	4	19	19	12	14	82
2.	Молия	262	5	2	21	14	13	2	15	10	5	20	11	6	10	128
3.	Солиқлар ва солиққа тортиш	155	1	1	21	3	8	4	14	3	2	8	14	14	12	50
4.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	192	3	2	23	9	20	2	14	5	2	8	10	21	19	54
5.	Менежмент	22	1	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	1	2	16
6.	Касб таълими (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)	69	2	-	9	2	2	2	9	2	-	6	1	2	15	17
Жами		946	16	11	109	43	56	13	71	23	13	61	55	56	72	347

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИ 2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Магистратура мутахассисликларининг номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот													
			Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент шаҳри
1.	Давлат маблағларини бошқариш	30	-	-	1	1	2	1	3	1	-	1	1	1	5	13
2.	Корхона молияси	6	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	1	3
3.	Халқаро молия	4	1	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	1	1
4.	Молиявий менежмент	8	1	1	-	-	-	-	-	-	-	2	1	-	1	2
5.	Халқаро молия бозорларидаги операциялар	5	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	1	3
6.	Қимматли қоғозлар ва биржа иши	15	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1	-	-	-	12
7.	Кредит	26	-	1	2	-	-	-	-	1	-	2	1	-	2	17
8.	Халқаро валюта-кредит муносабатлари	9	1	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	6
9.	Банк ва кредит таваккалчилиги	3	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3
10.	Банк аудити	8	-	-	2	-	1	-	-	-	-	1	-	2	1	1
11.	Банкларда қимматли қоғозлар операцияси	7	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	7
12.	Солиқлар ва солиққа тортиш	22	-	-	2	-	1	-	-	1	-	3	1	1	-	13
13.	Бухгалтерия ҳисоби	15	-	-	1	2	-	-	1	-	1	-	1	-	1	8
14.	Аудит	15	-	-	1	-	-	-	1	2	-	1	-	1	-	9
15.	Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва унинг мониторинги	9	-	1	-	-	-	-	1	-	1	-	-	1	-	5
16.	Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва унинг комплекс экспертизаси	6	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	2	1	2
17.	Инвестиция фаолиятини молиялаштириш	6	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	2	-	2
18.	Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва таҳлили	5	-	-	1	1	-	-	-	-	-	1	-	2	-	-
19.	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш	7	-	-	1	-	-	1	-	1	-	-	-	-	2	2
20.	Халқаро банк иши	4	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	3
21.	Иқтисодий таҳлил	6	-	-	1	1	-	-	-	1	-	1	-	-	-	2
22.	Сўғуртада андеррайтерлик фаолияти	8	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	6
23.	Сўғурта экспертизаси	7	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	6
24.	Касб таълими	12	-	-	-	-	1	-	2	-	-	-	-	1	-	8
Жами		243	3	3	13	6	8	3	10	9	3	16	6	13	16	134



"Халқ сўзи" назоратида

Газетамизнинг шу йилги 23 январь сониди "Газетасиз яшаш мумкинми?" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Покент тумани раҳбарларининг газеталар, хусусан, кундалик матбуотта совуққонлик билан муносабатда бўлаётганликлари қаламга олинганди. Яқинда тахририятга мазкур мақола юзасидан туман ҳокими К.Салимов имзоси билан расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади:

қаратилми таъкидланди. Муҳокамада 22 январь кунига олинган маълумотларга қўра, "Халқ сўзи" газетасига обуна сони 112 тани ташкил этганлиги маълум қилинди.

ОБУНАГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ

"Мақола туман ҳокимлиги мутасаддилари, ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари ҳамда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари иштирокида муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида "Халқ сўзи" газетасига муносабат, шунингдек, жорий йил учун даврий нашрларга обуна бўлиш масаласи куриб чиқилди. Унда туман ҳокимлиги томонидан

2007 йилги даврий нашрларга обунани давон эттириш, айниқса, "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Қишлоқ ҳаёти" газеталари, "Тафаккур" журнали обунасига алоҳида эътибор

Шунингдек, тумандаги қатор ташкилот ва муассасалар раҳбарлари "Халқ сўзи" газетасига обунани расмийлаштириш ташаббуси билан чиқдилар. Натижанда таклифни

қўллаб-қувватлаганлар жорий йил учун қўшимча 200 та "Халқ сўзи" газетасига обуна буладилар. Обунани ташкил этишда суётқонликка йўл қўйганликлари учун туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, туман алоқа бўлими бошлиғи оғоҳлантирилди. Қолаверса, йилгида "Газетасиз яшаш мумкинми?" мақоласининг туманда маънавийт масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор эслатгани эътироф этилди."

Газ ўлгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» КК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЎТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчлагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-23, 127-07-72.

МЕРСОС



Кутбиддинхон Мирзомахмад Махдихоннинг Алишер Навоий асарлари тилига бағишлаб ёзилган форсча «Санглох» асари устида узоқ ишлади. Уни фонетик ва морфологик жиҳатдан таҳлил этди. Бу асарнинг улуг Навоий тилининг гузаллиги ва бойлигини англашда гоёт қимматбахона манба эканлигини исботлади. Олим шунингдек, бир қатор муаллифларнинг эски ўзбек тилига оид ишлари билан таққослаб, Махдихон асари афзалликларини кўрсатиб берди. Айни 73 ёшида «Навоий «Санглох» лугати» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Бу иш ўзбек тилшунослиги тарихида муҳим янгилик бўлганлиги ёш олимлар учун ибрат намунаси эди.

У кишини яхши билган, суҳбатларидан баҳраманд бўлганларнинг эсласинча, домла Алишер Навоийнинг ҳар бир асари билан яқиндан таниш, кўпгина газалларини ёд билган. Навоий

Унинг 16 йил умри Сибирь ва бошқа ўлкалардаги қамқонларда ўтди. Бундай ҳазонинг сабаби — эшоннинг ўғли бўлганлиги, маърифатпарварлиги эди. Кутбиддинхон Муҳиддинхон ўғли ўтган асрнинг 50-йилларидан кейин бутунлай озодликка чиқди. Ислоҳ қоида ва фарзларига ўта содиқ, мусулмони қомил, шогирдларига меҳрибон устоз, таржимон, тадқиқотчи ва шоир бўлган бу инсон кейинчалик фўқаро сифатида ҳам, олим сифатида ҳам тўлиқ оқланди. Узоқ йиллик азоб-қувватлардан сўнг бутун вужуди билан илмга берилди. Кўп асрлик бой адабиётимизнинг нодир манбаларини иштиёқ билан ўрганиш у кишининг сеvimли машғулотига айланди. Уларнинг мазмун ва моҳиятини англаб, теран маъносини шарҳлади. Пухта илмий мақолалар ёзди. Луғат тузиш билан шуғулланди. Арабча ва форсча илмий адабиётларни ўзбек тилига ўғирди.

ОЛИМНИНГ ДАМИЙЛИК САБОҒИ

тилининг мумтоз адабиётимиз тили эканлигини, изоҳли луғатнинг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ниятда зарурлигини, чунки у ёш авлодга маънавий хазинани ўзлаштириш, ундан баҳра олиш имконини беришини қайта-қайта такрорлади. Олим Тошкентда яшаб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаган чоғларида ўзбек мумтоз адабиёти ва эски ўзбек тили муаммолари устида иш оlib борди. Шунингдек, бу ердаги фаолиятини қадимги туркий ёдномаларни ўрганиш, уларни нашрга тайёрлашга қаратди. Унинг баёситида иштироки билан Кутб Хоразийнинг «Хусрав

ва Ширин», Сайфи Саройининг «Гулистони бит туркий», Камол Ҳўжандийнинг «Латофатнома» асарлари янги имлога кўчирилиб, нашр этилди.

Кутбиддинхон Муҳиддинхон ўғли ёшлигиданоқ шоирлиқ билан шуғулланди. Ул зотнинг шеърларида гузаллик, софлик, ёшлик, ҳаёт завқи тараннум этилган.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, истиқлол туғдириш олим ҳаёти ва ижоди ўрганишга кенг йўл очилди. Умрини илму маърифатга бағишлаган кўлаб улугларнинг қадмжоларини оёб қилишдек эзгу го сабаб Кутбиддинхоннинг сўнги манзиллари ҳам зиёратгоҳга айланганлиги. Тоғлар бағридаги Чорчинор

мавзесида Самарқанд вилотида Муҳиддинхон Кутбиддинхоннинг фарзандлари бўлса, таниқли шоир Абдували Кутбиддин ул зотнинг набираларидир. Умуман, Кутбиддинхоннинг авлодлари қайси соҳада ишлашларидан қатъи назар, улуг алломаларнинг ҳикмати суҳбатларини дилларига маҳкам туққанлар.

У кишидан қолган бой илмий мерос эса асрлар оша авлодларга хизмат қилади, бошлаган ишларини ўнлаб шогирдлари давом эттиради. Демак, устоз экан ниҳоллар гурқираб, мўл ҳосил бераверади.

ийшунос олим Муслиҳиддин Муҳиддинов Кутбиддинхоннинг фарзандлари бўлса, таниқли шоир Абдували Кутбиддин ул зотнинг набираларидир. Умуман, Кутбиддинхоннинг авлодлари қайси соҳада ишлашларидан қатъи назар, улуг алломаларнинг ҳикмати суҳбатларини дилларига маҳкам туққанлар.

У кишидан қолган бой илмий мерос эса асрлар оша авлодларга хизмат қилади, бошлаган ишларини ўнлаб шогирдлари давом эттиради. Демак, устоз экан ниҳоллар гурқираб, мўл ҳосил бераверади.

Хива сайёҳларни чорлайди

Кейинги йилларда Хива шаҳрида сайёҳликни ривожлантириш мақсадида турли маданий тадбирлар ва фестиваллар ўтказиб келинмоқда. Утган йили сентябрда уюштирилган «Қадимги Хоразм маданияти» фестивали шу номли туристик ярмарканинг давми бўлди.



Яқинда Хива бизнес ва туризмни ривожлантириш марказида уюштирилган давра суҳбатда мазкур фестивалнинг яқинлари ва навбатдаги анжуманга тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

— Тадбирга мамлакатимиз ҳамда қўшни республикаларда фаолият юритаётган туристик компаниялар, фирмалар ҳамда хусусий меҳмонхоналарнинг раҳбарлари таклиф этилди. — дейди марказ раҳбари Олдибек Раҳимов. — Мақсадимиз минтақада сайёҳликни янада ривожлантириш, янги сайёҳлик йўналишларини ташкил этишдан иборатдир. «Қадимги Хоразм маданияти» фестивалига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бу борадаги ютуқларимизни яна бир қарра намоеъ этишига ишонамиз.

Анжуман якунида давра суҳбати иштирокчилари маданий ва тарихий ёдгорликларни зиёрат қилди.

Ш.МАШАРИПОВ,
«Хива тоғи» газетаси муҳаррири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонкорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...) йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Шоҳкент ш., Мировод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Манзил: 700005, Шоҳкент ш., Мировод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва УПАР УЧУН ЭҒТИЁТ ҚИСМЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. Факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Ўзбек мумтоз адабиётининг икки буюк намояندаси — Навоий ва Бобур ижодий мероси қорақалпоқ халқининг ҳам маънавий хазинасидан ўрин олган.

УЛУГ АҶДОДЛАРИМИЗ ЁДИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур таваллуғига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда ана шу уйғунлик, икки халқ тарихи, маданияти ва адабиётдаги мушарраф жиҳатлар хусусида сўз борди.

Таниқли олимлар, университет профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этган анжуманда Ўзбекистон Қарақалпоқ Тўленберг Қайбергенов, академик Хусниддин Хамидов ва бошқалар сўзга чиқиб, Навоий ва Бобур ижодининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг асарларида тараннум этилган инсонпарварлик гоялари, улуг қолдирган бой адабий мероснинг ёш авлод камолотида тугган ўрни ҳақида фикр юритди.

Ана шундай маънавий-маърифий тадбирлар Нукус қишлоқ хўжалик касбухона коллежиде, 2-Нукус тиббиёт коллежиде ҳам бўлиб ўтди.

А. ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

БОЗОРНИНГ САВДОСИ ҲАЛОЛ

Донишмандлар уч илми — таобат, руҳонийлик ва ҳуқуқшуносликни ўрганиш зарур деб ҳисоблайдилар. Таобат орқали ўз вужудимизни касалликлардан ҳимоя қиламиз, нима фойдалими нима зарарли эканини биламиз. Руҳоний илмлар орқали эса ҳам вужудимиз, ҳам руҳимизни турли таъвоулардан асраймиз. Бу илмларни ўзлаштиришда ва ҳаётда қўллашда асло суस्ताшикка, қатъиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам биринчи навбатда кенг халқ оммасининг ҳуқуқий савдоқонлиги билан боғлиқдир. Зеро, одамлар ўз ҳуқуқларини талаб қилмаган жойда қонуларни ишлатиш душвор.

Шарқда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қадим замонлардан йўлга қўйилган. Шарқ бозорларида муҳтасиблар фаолият кўрсатиб, харидорлар соғлиғига зарар қилиши мумкин бўлган маҳсулотларни сотишни маън қилганлар. Тошу тарозини, узунлик ва бошқа турли ўлчовларни муттасил назорат қилиб борганлар. Агар сотувчилар томонидан харидор ҳақида хиёнат қилинганга аниқланса, уларнинг маҳсулотлари етим-есирлар фойдасига мусодара қилинган.

Ана шундай ошкор жазо чоралари боис ва жамоатчилик фикрининг салмоғи, сезиларли таъсири бўлгани учун Шарқ бозорларида ўзаро ҳурмат асосидаги ҳалолликка риоя қилинган. Ҳозир ҳам чекка жойлардаги айрим қишлоқ бозорларида ўлчовларга ва маҳсулот сифатига хиёнат қилиш гуноҳи азим ҳисобланади. Афсуски,

— деймиз қўл силтаб. Бу — хато. Биргина жойда ўз ҳаққимизни талаб қилмай кетганимиз жамиятда ўнлаб шундай ҳақсизликларнинг юзга келишига асос бўлиб хизмат қилади.

Мулла бобом бир гапни



марказий бозорларимизда бу борада аҳвол бошқача. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишда ҳам кўзга ташланади. Айрим деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгурчи ва чакана нархи бир хил эканига нима дейсиз? Харомдан қўрмаган «тадбиркор» тарозидан уриш эвазига тиркичилик ўтказмоқда. Ачинарлиси шуки, бу «сир»ни ҳамма — харидор ҳам, бозорқўм ҳам, паттачи ҳам билади.

— Нега бундай қиласиз? — Харомдан қўрмайсизми? — деб сурасангиз, қўзингизга без бўлиб тикилиб: — Тиркичилик, ака, — дейишади.

Аслида бу «тиркичилик» эмас, тиркичилик-ку, ахир.

Хўш, ана шундай иллатнинг ривожланиб кетишига ким айбдор? Биринчи гада биз, истеъмолчилар, ўзимиз айбдормиз. Негаки, бизда талабчанлик ҳам, ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қилмаймиз, бу ишни сабот билан охирига етказмаймиз. «Эй деймиз — менга нима, буларнинг барини тили бир»

масдан пул тўлаб олиб кетавсангиз, сиздан кейин келган ночор одамга ҳам, етим-есирга ҳам сотувчи шу нархни айтади. Шу йўл билан сиз ўзингиз билмаган ҳолда бир бечорага зулм қилинишига асос яратиб берасиз. Шу ноҳақликка шерик бўлиб қоласиз.

Бозорда йодланмаган, ҳатто тозаланмаган туз, қай аҳволда тайёрланган мой, ачиб кетган ун сизнинг кўз олдингизда сотилиб ётибди. Сиз кўриб турибсиз, аммо индамининг уйлaysиз. Аммо тинчини излаган тинчимайди. Улуг адиб Виктор Гого «Хамма ҳаловат истаб беҳаловат» деган буюк ҳикматини сизга қараб туриб айтгандай, гўё. Чет элда ундоқ эмиш, мулдоқ эмиш, деган гапларни кўп эшитамиз. Аммо ўша жойнинг одамлари ўшандоқ шароитларни ўз сай-ҳаракатлари, интилишлари, меҳнатлари эвазига яратганликларини ҳеч ўйлаб кўрмаймиз. Нима, энди чет элик келиб сизу бизга ҳам шуңдоқ халол бозор, яхши шaroит яратиб беришини кўтиб ўтиришимиз керакми? Сендан — ҳаракат, мендан — баракат.

Мулоҳаза

кўп такрорлагувчи эдилар. — Бозорда ҳар бир нарсани савдолашиб олинглар, ҳар бир нарсанинг савдоси ҳалол. Негаки, бозорга бой ҳам қиради, камбағал ҳам. Агар бирор нарсани сотувчи ноинсофлик билан қиммат айтса-ю сиз савдолаш-

Ориф ҲОЖИЕВ.

Спорт Медаллар эгасини топмоқда

Тошкентда сузиш бўйича мамлакат киши чемпионатининг финал босқичи давом этмоқда.

Бугунгача ўтказилган мусобақалар якунига кўра, пойтахтлик спортчилардан Олег Ляшко 50 ва 100 метрга баттерфляй, Сергей Паньков 50 ва 200 метрга чалканча, андижонлик Раъно Омонова эса 400 ва 1500 метр масофага эркин усулда сузишда шохсупадан ҳол олишди. Шунингдек, Тамилла Габдурахмонова, Иван Демьяненко, Анна Фомин, Темира Эргашев, Зулфия Мухамедшина, Ольга Гнедовская, Комила Алимова, Мафтуна Тўхташова, Пётр Ромашкин ва Амил Содиков биттадан олтин медалларга эгалик қилишмоқда.



Боксчиларимиз Бошқирдистонда

Уфа шаҳрида бокс бўйича мамлакат очиқ чемпионати бошланди.

Унда ўндан ортиқ мамлакатдан келган «чарм-кўлқоп» усталари иштирок этмоқда. Мусобақада Адхам Казаков, Комрон Қосимов, Мрав Азарян, Шариф Айтбаев, Баҳром Пёзов, Илхом Соатов, Хусниддин Шокиров, Шерзод Абдурахмонов, Аҳрор Муралимовлар ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.



Тожикистон — Ўзбекистон 0:2

Душанбе шаҳрида ўтказилган саралаш учрашувида футболчиларимиз Анзур Исмоилов ва Марат Бикмаевлар Тожикистон Олимпия терма жамоаси дарвозасига биттадан тўп киритиб, ҳамюртларимизнинг ғалабасини таъминладилар.

2008 йил Пекинда ўтадиган ёзи Олимпиада уйинлари финал қисмига йўланма олиш учун ўзбекистонлик футболчилар яхши имкониятга эга бўлишди. Эсингизда бўлса, бир ҳафта муқаддам Тошкентда ўтган уйинда ҳамюртларимиз тожикистонлик футболчиларни 4:1 ҳисобида доғда қолдиришган эди.

Икки уйин натижасига кўра, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси кейинги босқичга йўл олди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАБОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳрирининг компьютер марказида терийда ва операторлар
Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзил: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — С. Ҳайдаров. Мусасхдох — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6